



«O'ZBEKISTON TEMIR YO'LLARI» AKSIYADORLIK JAMIYATI

BUYRUQ

2017 -yil «03» 03

TOSHKENT

№ 355-НЗ

“Меҳнат муҳофазаси бўйича ўқув семинар ўтказиш тўғрисида”

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖда фаолият олиб бораётган ишчи-ходимларнинг ҳаёти ва соғлиғини таъминлаш, технологик жараёнлар асосида, зарарли ва хавfli иш шароитларини камайтириш, ишлаб-чиқариш билан боғлиқ бахтсиз ходисаларнинг олдини олиш, ёнғин, электр ва саноат хавфсизлиги қоидалари, хавfli саноат объектларидан тўғри фойдаланиш, уларнинг касбий маҳоратлари ва билим савияларини ошириш бўйича ўқув семинарларини ўтказиш мақсадида, буюраман:

1. Меҳнат муҳофазаси, техника ва саноат хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи в/б Р.Р.Асомхўжаевга, Йўл хўжалиги бошқармаси бошлиғи Э.Р.Умматовга, “Темирйўл ёнилғитаъмин” бошқармаси бошлиғи Р.Б.Рахимқуловга, “Қўнғирот МТУ” УК бошлиғи Б.Л.Кудайназаровга, “Ўзтемирйўл контейнер” АЖ бош директори Ў.С.Астановга, “Ўзтемирйўл ўловчи” АЖ бош директори Ж.Т.Нурмухамедовга:

1.1. 2017 йил 30 январдаги жамият раҳбарияти томонидан тасдиқланган “Меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги ва саноат хавфсизлиги бўйича ўқув семинарлар ўтказиш тўғрисида”ги йиллик жадвалига асосан, “Қўнғирот МТУ” УК тасарруфидаги корхоналар, “Ўзтемирйўл контейнер” АЖ, “Ўзтемирйўл ўловчи” АЖ “Ургенч” филиаллари, ПМС-279, “Конимех-Мискен” янги электрлаштирилган темир йўл қурилиш участкаси, Жаслык, Қўнғирот Мискен, ва Ургенч станцияларида 2017 йил 12-31 март кунлари ўқув семинарлари ўтказилиши таъминлансин.

1.2. Жойларда ўқув семинарлари ўтказилиши учун алоҳида ўқитиш хонаси ва ишчи-ходимларнинг тўлиқ иштирок этиши учун, тегишли корхоналар раҳбарлар томонидан амалий ёрдам кўрсатилиши таъминлансин.

2. Меҳнат муҳофазаси, техника ва саноат хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи ўринбосари Р.Р.Асомхўжаевга, хизмат сафарига юборилаётган тарғибот-йўриқчиси Ш.А. Лапасов билан 2017 йил 03 январдаги 1-Н сонли “Хизмат сафари тартиби тўғрисидаги” буйруғига асосан навбатдан ташқари йўл-йўриқ ўтказилсин.

3. “Қўнғирот МТУ” УК бошлиғи Б.Л.Кудайназаровга жадвалда кўрсатилган манзилларда ўқув семинарлари ўтказиши учун автотранспорт ажратилиши таъминласин.

4. Ишларни бошқариш дирекцияси бошлиғи в/б Р.А.Иноғомовга жадвалга асосан белгиланган тартибда хизмат сафари хужжатлари расмийлаштирилсин. Бориш ва келиш поездда амалга оширилсин.

5. Ушбу буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш меҳнат муҳофазаси, техника ва саноат хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи в/б Р.Р.Асомхўжаев зиммасига юклатилсин.

Жамият бош менеджер-
бош муҳандиси



Х.Н. Хасилов